

ЎЗБЕКИСТОН АГРОБИЗНЕСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

Адилов Шерзот Шамильевич

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини
бошқариш агентлиги ҳузуридаги хусусийлаштириш ва
давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ
этиш марказининг катта илмий ходими

ТДИУ тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21918458>

Аннотация

Мазкур тезисда Ўзбекистон Республикасида агробизнесни молиялаштиришнинг замонавий ҳолати, унинг аграр субъектлар молиявий барқарорлиги ва иқтисодий фаолиятига таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотда молиялаштириш тизими уй ҳўжалиги, аграр субъект ва ҳудудий иқтисодий тизим даражаларида комплекс баҳоланган. 2015–2025 йиллар маълумотлари асосида кредитлаш, инвестициялаш, давлат молиявий қўллаб-қувватлаши ва молиявий соғломлаштиришнинг аҳоли даромадлари, бандлик ва камбағалликка таъсири ўрганилган. Илмий янгилик сифатида агробизнес субъектлари молиявий барқарорлигини уч даражали ёндашув асосида баҳолаш ҳамда банкротлик хавфини камайтиришга қаратилган беш босқичли молиявий соғломлаштириш модели асосланган.

Калит сўзлар: агробизнес, молиялаштириш, молиявий барқарорлик, тўловга қобилиятсизлик, кредитлаш, инвестициялар, молиявий соғломлаштириш, бандлик, камбағаллик.

Кириш.

Аграр тармоқ Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик аҳамиятга эга соҳаларидан бири бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли бандлиги, қишлоқ ҳудудларида даромад манбаларини шакллантириш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди. Шу боис агробизнес субъектларини етарли ва барқарор молиявий ресурслар билан таъминлаш иқтисодий ўсиш билан бир қаторда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Агробизнесни молиялаштиришда кредит ресурсларининг қимматлиги, кичик субъектларнинг молиялаштиришга кириш имкониятлари чекланганлиги, айланма маблағлар етишмаслиги, мавсумийлик ва табиий-иқлимий хавфлар молиявий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада тўлов мажбуриятларини бажариш қийинлашиб, айрим субъектларда банкротлик хавфи юзага келади. Шунинг учун молиялаштириш самарадорлигини баҳолашда фақат кредит ҳажмини эмас, балки унинг молиявий натижа ва ижтимоий самара билан боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда агробизнесни молиялаштиришнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, молиявий барқарорлик ва банкротликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда молиявий соғломлаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқотда иқтисодий-статистик, қиёсий ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси агробизнесни молиялаштиришни уч ўзаро боғлиқ даражада баҳолашга асосланди. Биринчи даражада уй хўжаликларининг даромадлари, уларнинг таркиби, қарз юки ва молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари; иккинчи даражада аграр субъектларнинг ликвидлиги, молиявий мустақиллиги, рентабеллиги, капитал таркиби ва тўловга қобилиятлилиги; учинчи даражада эса ҳудудий тизим, бандлик, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, инфратузилма ва камбағаллик кўрсаткичлари баҳоланди. Қуйидаги жадвал кўринишда: *Жадвал-1*

Таҳлил даражаси	Таҳлил объекти	Асосий кўрсаткичлар
I даража	Уй хўжалиги	Даромадлар ва уларнинг таркиби; даромадларнинг мавсумийлиги; активлар ва қарз юки; молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти
II даража	Аграр субъектлар (фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, аграр корхона, қайта ишлаш корхонаси)	Молиявий барқарорлик; тўловга қобилиятлилиги; харажатлар ва капитал таркиби; кредит ресурсларидан фойдаланиш; молиявий соғломлаштириш
III даража	Ҳудудий тизим	Бандлик ва меҳнат бозори; инфратузилма ва қайта ишлаш тармоқлари; ишлаб чиқариш ва қўшилган қиймат; ҳудуддаги камбағаллик даражаси

Ушбу ёндашув молиялаштиришнинг “ресурс — молиявий барқарорлик — иқтисодий натижа — ижтимоий самара” занжирини бир бутун тизим сифатида кўриш имконини беради. Бунда ликвидлик, қарз юки, рентабеллик, айланма маблағлар айланиши ва пул оқимлари аграр субъектларнинг молиявий ҳолатини эрта баҳолаш индикаторлари сифатида қўлланади.

Натижалар ва муҳокама

Таклиф этилаётган ёндашувда молиявий барқарорликни баҳолаш учун ликвидлик, молиявий мустақиллик, рентабеллик, қарз юки, айланма маблағлар айланиши ва пул оқимлари ягона мониторинг тизимига бирлаштирилади. Бу кўрсаткичлар асосида молиявий қийинчиликларни эрта аниқлаш ва антикризис чораларини ўз вақтида ишга тушириш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2025 йил 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда 2026 йил учун устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда таъкидланганидек, 2025 йил бошидан мамлакатда ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга пасайди. Шу даврда 302 минг нафар эҳтиёжманд оила камбағалликдан чиқарилди ва йил якунига қадар камбағаллик даражасини 6 фоизгача камайтириш прогноз қилинди, бу кўрсаткич 2024 йилда 8,9 фоизни ташкил этган.

Айниқса, ижтимоий-иқтисодий шароити оғир бўлган туманларда камбағал оилалар сони 4,5 баробаргача қисқарди. Илгари оғир шароитда яшаган 105 минг оилада

барқарор даромад манбалари шаклланди. Шунингдек, 2025 йилда биринчи марта 1 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлантирилган.

Мазкур кўрсаткичлар аҳоли бандлигини ошириш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ортиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасидаги камбағаллик даражаси тафовутининг қисқариши қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий шароитлар яхшиланаётганидан далолат беради. Мазкур тенденциялар агробизнес субъектларини молиялаштириш, қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш, бандликни таъминлаш ва ҳудудларда иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ўртасидаги узвий боғлиқликни баҳолаш учун муҳим эмпирик асос бўлиб хизмат қилади.

Молиялаштириш тизимида асосий ресурслар кредитлаш ва давлат қўллаб-қувватлаш механизмлари орқали ишлаб чиқариш босқичига йўналтирилган. Бироқ қўшилган қиймат занжирининг сақлаш, қайта ишлаш ва логистика босқичларида молиявий ресурслар етарли даражада шаклланмаган. Бу ҳолат аграр маҳсулотдан яратиладиган қўшимча қийматнинг бир қисми қишлоқ ҳудудида қолишини чеклайди. Шу сабабли молиялаштиришни ишлаб чиқаришдан ташқари қайта ишлаш, сақлаш ва логистика инфратузилмасига ҳам йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Аграр субъектларнинг молиявий қийинчиликларига юқори қарз юки, айланма маблағлар етишмаслиги, харажатлар самарадорлигининг пасайиши ва инвестиция ресурсларига чекланган кириш таъсир қилади. Шу муносабат билан молиявий соғломлаштиришни қарзларни қайта тузиш билан чекламасдан, харажатларни оптималлаштириш, нопрофил активларни реализация қилиш, инвестиция жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва рақамли молиявий мониторинг билан биргаликда амалга ошириш зарур.

Тўловга қобилиятсизлик амалиёти таҳлили ҳам муҳим ўзгаришларни кўрсатди. 2015–2025 йилларда 63 036 та тўловга қобилиятсизлик иши кўриб чиқилиб, уларнинг 90,8 фоизи қаноатлантирилган. Банкрот деб топишни рад этиш улуши 2015 йилдаги 1,3 фоиздан 2025 йилда 11,7 фоизга ошган. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш ҳолатлари 2023 йилдаги 0 тадан 2025 йилда 34 тага етган. Мазкур динамика амалиётда корхонани тугатишдан кўра тўловга қобилиятлилигини тиклашга эътибор кучайганини кўрсатади.

Аграр субъектларни молиявий соғломлаштиришнинг беш босқичли модели таклиф этилади:

Биринчи босқич — молиявий диагностика: ликвидлик, қарз юки, пул оқимлари ва молиявий мустақиллик баҳоланади. Иккинчи босқич — инқорозга қарши стратегиясини ишлаб чиқиш ва молиялаштириш манбаларини белгилаш. Учинчи босқич — қарзларни реструктуризация қилиш ва айланма капитални тиклаш. Тўртинчи босқич — инвестиция, модернизация ва капитал таркибини яхшилаш орқали молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш. Бешинчи босқич — KPI асосида мунтазам мониторинг ва натижаларни баҳолаш.

Мазкур механизм молиялаштириш, молиявий барқарорлик ва ижтимоий натижалар ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлайди. Корхонанинг тўловга қобилиятлилиги тикланиши ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини сақлайди, иш

ўринларини ҳимоя қилади ва қишлоқ аҳолисининг барқарор даромад манбаларини сақлаб қолишга хизмат қилади. Шунинг учун молиявий соғломлаштиришни агробизнес субъектлари даражасидаги антикризис чораси эмас, балки ҳудудий иқтисодий барқарорлик инструменти сифатида ҳам қараш мумкин.

Хулоса

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда агробизнесни молиялаштиришнинг самарадорлиги унинг ҳажми билан бир қаторда молиявий ресурсларнинг қўшилган қиймат занжири бўйича тақсимланиши, кичик субъектлар учун очиқлиги ва молиявий барқарорликка таъсири билан белгиланишини кўрсатди. 2015–2025 йилларда аҳоли даромадларининг ўсиши ва камбағалликнинг пасайиши ижобий тенденцияни ифодаласада, мазкур натижаларнинг барқарорлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агробизнес субъектларини ривожлантириш ва унинг молиявий базасини мустаҳкамлашга боғлиқ.

Амалий жиҳатдан агробизнес субъектлари учун молиявий эрта огоҳлантириш индикаторларини жорий этиш, кредиторлар билан реструктуризация механизмларини стандартлаштириш, агросуғурта ва кафиллик воситаларини кенгайтириш, қайта ишлаш ва логистика лойиҳаларини молиялаштиришни кучайтириш ҳамда рақамли молиявий мониторингни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу чоралар банкротлик хавфини камайтириш, аграр субъектларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва қишлоқ ҳудудларида бандлик ҳамда даромадларни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сон “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-535-I-сон “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
4. Мирзиев Ш.М. 2025 йилда камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши. 2025 йил 19 ноябр.